

**НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ҲАМДА ҚИДИРУВ
ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН НЕФТЬ-ГАЗ САНОАТИ ИЛМИЙ-
ТАДҚИҚОТ ВА ЛОЙИҲАЛАШ ИНСТИТУТИ, И.А.КАРИМОВ
НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ВА
И.М. ГУБКИН НОМИДАГИ РОССИЯ ДАВЛАТ НЕФТЬ ВА ГАЗ
УНИВЕРСИТЕТИ ТОШКЕНТ ФИЛИАЛИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017. GM/T.41.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

МАХМУДОВ НАЗИРИЛА НАСИМХАНОВИЧ

**БУХОРО-ХИВА РЕГИОНИДАГИ НЕФТГАЗКОНДЕНСАТ
КОНЛАРИНИ СЎНГГИ ДАВРЛАРИДА РАЗВЕДКА ҚИЛИШ ВА
ИШЛАШ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИНИ ЯРАТИШ**

04.00.13 –“Нефть ва газ конларини ўзлаштириш ҳамда ишлатиш”

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИНИНГ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)
Content of dissertation abstract doctor sciences (DSc)

Махмудов Назирила Насимханович

Бухоро-Хива регионидagi нефтгазконденсат конларини сўнгги даврларидa разведка қилиш ва ишлаш методологик асосларини яратиш... 3

Махмудов Назирила Насимханович

Создание методологических основ доразведки и доразработки нефтегазоконденсатных месторождений Бухаро-Хивинского региона..... 23

Makhmudov Nazirila Nasimkhanovich

Creation of a methodological basis for additional exploration and development of oil and gas condensate fields in the Bukhara-Khiva regions..... 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 49

**НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ҲАМДА ҚИДИРУВ
ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН НЕФТЬ-ГАЗ САНОАТИ ИЛМИЙ-
ТАДҚИҚОТ ВА ЛОЙИҲАЛАШ ИНСТИТУТИ, И.А.КАРИМОВ
НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ВА
И.М. ГУБКИН НОМИДАГИ РОССИЯ ДАВЛАТ НЕФТЬ ВА ГАЗ
УНИВЕРСИТЕТИ ТОШКЕНТ ФИЛИАЛИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017. GM/T.41.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

МАХМУДОВ НАЗИРИЛА НАСИМХАНОВИЧ

**БУХОРО-ХИВА РЕГИОНИДАГИ НЕФТГАЗКОНДЕНСАТ
КОНЛАРИНИ СЎНГГИ ДАВРЛАРИДА РАЗВЕДКА ҚИЛИШ ВА
ИШЛАШ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИНИ ЯРАТИШ**

04.00.13 –“Нефть ва газ конларини ўзлаштириш ҳамда ишлатиш”

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИНИНГ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Техника фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Републикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.DSc/T268 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Қарши муҳандислик-иктисодиёт институтида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.ing.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Назаров Улуғбек Султонович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Закиров Азамжон Алимджанович
техника фанлари доктори

Алиев Баҳодир Абдуғаниевич
техника фанлари доктори, профессор

Холмуродов Абдулхамид Эркинович
физика-математика фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

“Ўзнефтвазқазибчиқариш” АЖ

Диссертация ҳимояси Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда қидирув институти, Ўзбекистон нефть-газ саноати илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институти, Тошкент давлат техника университети ва И.М.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети филиали ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc 27.06.2017.ГМ/Т.41.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 й. « 28 » июнь соат « 14.00 » даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100059, Тошкент шаҳри, Шота Руставели кўчаси, 114. Тел/факс: (+99871) 253-09-78, факс (+99871) 250-92-15, e-mail: igirnigm@ing.uz.)

Диссертация билан “ИГИРНИГМ” Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (3963-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100059, Тошкент шаҳри, Шота Руставели кўчаси, 114. Тел/факс: (+99871) 253-09-78.)

Диссертация автореферати 2019 йил « 11 » июнь куни тарқатилди.

(2019 йил “ 23 ” майдаги 1-рақамли реестр баённомаси)

Ю.И.Иргашев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
г-м.ф.д., профессор

М.Г. Юлдашева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
котиби, г-м.ф.н.

А.К. Рахимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда нефтгаз соҳасининг асосий вазифаларидан бири очилган конларнинг геологик захираларини қазиб олиш даражасини ошириш ҳисобланади. Дунё энергия балансининг асосини яқин ва ўрта келажакда углеводородлар ташкил этади. Шу жиҳатдан турли тизимда ишлатилаётган конларни самарадорлигини орттириш кўп жиҳатдан илмий-техник қарорларни ишлаб чиқишга ва амалиётга тадбиқ этишга боғлиқ. Бу борада мураккаб геологик тузилишдаги, асосий қолдиқ нефть захиралари жамланган нефтгазконденсат конларидан юқори суръатларда углеводород ашёсини олиш ва саноат тоифадаги геологик захираларни нисбатан тўлароқ чиқариб олиш бўйича лойиҳалашнинг услубий асосларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Дунёда нефтгазконденсат конларини ишлатиш лойиҳаларининг услубий асосларини ривожланиши бугунги кунда лойиҳалашнинг янги техник-иқтисодий қарашларини қўллаган ҳолда мавжуд ёндашувларни қайта кўриб чиқиш йўналишида ривожланмоқда. Ушбу йўналишдаги тадқиқотлар узоқ муддат ишлатишдаги конларнинг геологик захираларини ўзлаштирилганлик даражасидан қатъий назар углеводород флюидларини юзага келган геологик-гидродинамик шароитларида янги объект сифатида тасаввурланишига асосланади. Ушбу муаммони ҳал этишда узоқ муддат ишлатишдаги конларни лойиҳалаштиришда замонавий ускуна, геологик-геофизик маълумотларни янги таҳлил этиш услубларини қўллашни, конларни аввал қурилган геологик ва гидродинамик моделларига аниқлик киритилишини, разведка қилиш ва ишлатишни янги принципларини яратиш зарурати ҳисобланади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда углеводород конларини лойиҳалаш ишлари сифатини ошириш геологик ва гидродинамик моделлаштириш бўйича замонавий дастурий комплексларни жорий этиш, углеводородларни олиш суръати ва ер остидан захираларни қазиб олиш даражасини оширишни янги технологияларни қўллаш орқали муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида¹ “... тежамкор технологияларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш, иқтисодиёт тармоқларида меҳнат унумдорлигини ошириш ҳамда саноат тармоқлари фаолиятини янги технологик босқичга олиб чиқиш учун ишлаб чиқаришни ривожлантириш” бўйича вазифалар белгилаб берилган. Шундан келиб чиққан ҳолда, углеводород конларини сўнгги ишлаш даврларида разведка қилиш ва ишлатиш методологик асосларини ишлаб чиқиш орқали ўртача нефть бера олишлик коэффициенти 15 дан 35% гача ва ундан ҳам кўпроққа ошириш билан углеводород конларини ишлатиш самарадорлигини кўтариш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 мартдаги ПФ-4707-сон “2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш бўйича чора тадбирлар дастури тўғрисида”ги фармонлари, ҳамда 2017 йил 9 мартдаги ПҚ-2822-сонли “2017-2021 йилларда углеводород хом ашёсини қазиб олишни ошириш тўғрисида”ги қарори, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VIII «Ер тўғрисидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хом ашёларни қайта ишлаш)» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи². Нефтьгазконденсат конларини ишлатишнинг методологик асосларини яратиш ва такомиллаштиришга йўналтирилган илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказ ва олий таълим муассасалари, жумладан: «American Petroleum Institute» (API), «Oil Gas Scientific Research Project Institute» (АҚШ), «University of Strathclyde» (Буюк Британия), Oil and Gas Development Research Institutes in Denmark, Oil and Gas Industry, Danish Hydrocarbon Research and Technology Centre - Centre for Oil (Дания), ERIG European Research Institute for Gas and Energy Innovation (Италия), Petroleum Engineering and Project Development IFP School (Франция), Japan Petroleum Institute, Japan Oil, Gas and Metals National Corporation (JOGMEC) (Япония), «Major oil and gas companies in Australia», «School of Minerals and Energy Resources Engineering» (Австралия), И.М.Губкин номи Россия давлат нефть ва газ университети, Россия нефть илмий-тадқиқот институти (Россия), шунингдек “ЎзЛИТИнефтьгаз” АЖ ва Тошкент давлат техника университетида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Нефтьгазконденсат конларини разведка қилиш ва самарали ишлатиш методологик асосларини яратиш ва такомиллаштиришни илмий-технологик ечимларини ишлаб чиқишга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: ғовакли муҳитда углеводород хом ашёсини фазавий ҳолатининг ўзгаришини инobatга олиб, ностационар, ноизотермик, кўп ўлчамли фильтрация жараёнини яратган (Oil Gas Scientific Research Project Institute, АҚШ); номувозанатли системаларни модификацияланган сизиш моделларини яратиш асосида сизишнинг тўғри ва тесқари масалаларини ечишга йўналтирилган, углеводородларни қатлам сақлагичларидан нефть олувчи қудуқлар билан, қазиб олиш жараёнларига мослаштирилган геологик-кон шароитларини

² Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-илмий тадқиқотлар шарҳи www.api.org, www.gubkin.ru, www.vniigaz.gazprom.ru, www.seb.com, www.gazprom.ru, www.runeft.ru, www.vesti-gas.ru, www.spe.org, www.oil-industry.net, www.kpfu.ru ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

яратиш учун самарали алгоритмлар ишлаб чиқилган (Petroleum Engineering and Project Development IFP School, Франция); мураккаб геологик шароитдаги газ ости нефть уюмларида горизонтал кудуқларни жойлаштириш ва бурғулаш технологияларини ишлаб чиққан (American Petroleum Institute, АҚШ); нефть хошияларини ишлатиш кўрсаткичларини гидродинамик моделлар асосида башорат қилишни методологик базаси яратилган (И.М.Губкин номли Россия давлат нефть ва газ университети, Россия).

Дунёда конларни сўнгги ишлаш босқичларида разведка қилиш ва ишлатишни, қатламларни турли геологик-гидродинамик шароитларида қўлланиладиган, самарали ишлаш тизимларини яратиш учун қатор устувор йўналишлар бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан: маҳсулдор қатламларда турли траектория билан ўтказилган ишлатиш кудуқларини очиш ва ўзлаштириш бўйича турли технологик ечимлар яратиш; конлар майдони бўйлаб кудуқлар тўри сийраклаштирилганда ҳам уюмларни ишлатиш кудуқлар тўри билан қамраб олинганлик даражасини ошириш; юқори нефть олиш суръатларини ва маҳсулотни энг тўлиқ даражада қазиб чиқаришни таъминлаш; юпқа қалинликдаги газ ости нефть уюмларидан иборат нефтгазконденсат конларини ишлатиш масалаларини тизимли интеграциясини ҳамда газ дўппиларидан табиий газ билан биргаликда нефть қазиб олишнинг комплекс масалаларини ишлаб чиқиш; сақлагичларидаги барча ноёб компонентларни максимал қазиб олиш ва қайта ишлашни таъминловчи нефтгазконденсат конларини ишлатиш тизимларини яратиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Нефтгазконденсат конларини сўнгги ишлатиш босқичларида разведка қилиш ва ишлатишни методологик асосларини яратишга кўп сонли назарий, кон ва экспериментал тадқиқотлар бағишланган.

Нефть ва газ конларини сўнгги ишлатиш босқичларида разведка қилиш ва ишлатишни турли саволларини ўрганишга Афанасьев В.А., Базиев В.Ф., Горбунов А.Т., Дияшев Р.Н., Doscher Т.М., Забродин Д.Б., Закиров С.Н., Иванова М.М., Колганов В.И., Лысенко В.Д., Сабытов Д.К., Сонич В.П., Сургучев М.Л., Трушкин В.В., Хисамов Р.С., Harding T.G. Faroug-Ali S.M., Floen D.L., Шеметило В.Г., Щелкачев В.Н. ва бошқаларнинг ишлари бағишланган.

Ушбу саволларни Ўзбекистон конлари маълумотлари асосида ўрганишга Азимов П.К., Назаров С.Н., Ирматов Э.К., Агзамов А.Х., Назаров У.С., Закиров А.А., Акрамов Б.Ш., Сиддикходжаев Р.К., Турсунов М.А., Назаров А.У., Эрматов Н.Х. ва бошқаларнинг тадқиқотлари бағишланган.

Фан ва технологияларни замонавий ривожланиш ҳолати нефть ва газ захираларини қазиб олиш суръати ҳамда даражасини ошириш борасида юқори технологик ускуналар ва техник системаларни қўллашга қаратилган нефтгазконденсат конларини лойиҳалаш тизими ва ишлатиш таҳлилинини такомиллаштириш заруриятини белгилаб беради.

Шу сабабли, табиий газни чегараланган тарзда қазиб олишда нефть қазиб олишнинг юқори суръатларини таъминлашга йўналтирилган янги

илмий-технологик ва лойиҳавий ечимлар топилиши зарур.

Ҳозирги вақтгача газ остидаги юпқа қалинликдаги нефть ҳошияларини нефтни табиий газ энергияси билан сиқиб чиқаришга асосланган қатлам босимини ушлаб туриш ишлатиш тизимларининг, қатламларга турли сув бостириш усулларига муқобил равишда, самрадорлигини баҳолаш саволлари тўлиқ ҳал этилмаган.

Геологик-технологик лойиҳаларни тузишда кудуқларга флюид оқимларини бошқариш вазифаларини ҳисоблаш ечимларини қамраб олган ҳамда кудуқ туби атрофини ва фильтрларни ишлатиш технологик режимини ягона гидродинамик узлуксиз оқимда ҳал этилиши ўзининг ривожини талаб этади.

Бундай ёндашув нисбатан юқори даражада кудуқлардан маҳсулот олиш имкониятларини аниқлаш, кудуқ туби атрофи ҳолатини тезкор таҳлил қилиш ва уларни ишлатиш жараёнида технологик режимни бошқариш бўйича тизимли қарорлар қабул қилиш имкониятини яратади.

Бу тизимли масалаларни ҳал этилиши нефть ҳошияларидан углеводород хом ашёсини қазиб олишни самарали бошқаришни амалга ошириш имконини беради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти И. Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети ва Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг №39/08 “Жанубий Фарғонанинг шарқий қисмида янги очилган ва узоқ муддат ишлатилаётган конларда нефть қазиб олишни ошириш учун углеводород захираларини қайта баҳолаш” (Хартум, Шарқий Хартум, Полвонтош, Бостон), №6/09 “Тергачи нефть конининг ишлаш лойиҳаси”, №6/39 “Кашкаркир ва Марказий Аввал конларининг саноат тажриба ишлатиш лойиҳаси”, №2/11 “Таваккал газоконденсат конининг саноат тажриба ишлатиш лойиҳаси”, №202/2-пуд-11 “Шарқий Испанли ва Матонат конларининг саноат тажриба ишлатиш лойиҳаси”, №202/1-пуд-11 “Расулқудуқ нефтгазконденсат конининг саноат тажриба ишлатиш лойиҳаси”, №166-пуд-10 “Ғарбий Сабо конининг саноат тажриба ишлатиш лойиҳаси”, №139-пуд-10 “Қуюмозор нефть конининг саноат тажриба ишлатиш лойиҳаси”, №234/9-пуд-10 “Арнийез нефтгазконденсат конининг ишлаш лойиҳаси” мавзуларидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Бухоро-Хива регионидagi конларда нефть қазиб олиш суръатини ва нефть чиқариб олиш коэффициентини ошириш бўйича тизимли лойиҳавий-технологик ва техник-иқтисодий ечимларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

газ ости нефть ҳошияли уюмларни ишлатиш назарияси ва амалиётини тизимли умумлаштириш;

Бухоро-Хива региони конларининг ҳозирги ишлатиш тизимларининг самарадорлигини ўрганиш;

газ ости нефть ҳошияли уюмлардан нефть олиш суръати ва нефть қазиб

олиш коэффициентини ошириш усуллари ва технологияларини қўллаш имкониятларини тадқиқот қилиш;

суюқ углеводород қазиб олиш кўрсаткичларини оптималлаштириш бўйича технологик ечимларни ривожлантириш;

нефть хошияларини ишлатиш ва сўнгги босқичда ишлатиш технологик лойиҳалаштиришнинг умумий принципларини ривожлантириш;

газ ости нефть уюмларидан суюқ углеводород қазиб олишни жадаллаштириш бўйича тадбирлар стратегиясини ишлаб чиқиш;

геологик захираларини олиниши мураккаб бўлган конларнинг сўнгги босқичларида разведка қилиш ва ишлатишда геологик хавфларни бошқариш тизимини яратиш.

Тадқиқотнинг объекти. Бухоро-Хива регионидаги нефтьгазконденсат конлари тадқиқот объекти ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети газ ости нефть хошияларини ишлаш тизимларини лойиҳалаштириш ва сўнгги даврларида разведка қилиш ва ишлатиш методологик асосларини такомиллаштириш ва ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Қўйилган масалаларни ечишда геологик-технологик маълумотларни статистик ва стохастик усуллар билан таҳлил этиш, қатлам сақлагичларининг уч ўлчамли геологик ва гидродинамик моделлаштиришнинг дастурий-аппарат мажмуаси ва экспериментал тадқиқотлари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Бухоро-Хива регионидаги нефтьгазконденсат конларининг турли ишлатиш тизимларидаги олинадиган нефть захиралари ва қатламларни нефть бера олишлик коэффициенти аниқланган;

нефтьгазконденсат конларини ишлатиш стратегиясини асослаш имконини берувчи, қатламларни жорий ва якуний нефть бера олишлигига геологик-кон кўрсаткичларини таъсир даражаси аниқланган;

газ ости хошияларидан турли сиқиб чиқариш режимларида нефть олиш жараёнига салбий таъсир этувчи омиллар аниқланган;

геологик захираларни нисбатан кўпроқ чиқариб олишни таъминловчи, уюмларни табиий ишлатиш режимларида ва қатлам босимини ушлаб туриш режимларида қатламдаги нефтни сиқиб чиқариш билан қамраб олишни ошириш методологик асослари ишлаб чиқилган;

ишлатиш қудуқлар фондини, уларни бутун ишлатиш даври мобайнида максимал самарали фойдаланишни таъминлаш имконини берувчи, газ дўпписидан назоратли табиий газ олишда нефть олиш кўрсаткичларини тизимли оптимизациялаш йўллари ишлаб чиқилган;

қимматбаҳо компонентлардан максимал фойдаланиш учун комплекс қарорларни ишлаб чиқиш имконини берувчи, нефть хошияларини ишлатишни технологик лойиҳалаштиришнинг принциплари аниқланган;

туби турли конфигурацияли қудуқларни самарали очиш, синаш ва ўзлаштириш учун комплекс тадбирларни таъминловчи, захираларини чиқариб олиш мураккаб нефтьгазконденсат конларини сўнгги босқичларида

разведка қилиш ва ишлатишни технологик стратегия ечимлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

нефтьгазконденсат конларининг захираларини қазиб олиш даражасини ошириш технологияси самарадорлигини баҳолаш имконини берувчи ишлатиш кўрсаткичларини ҳисоблаш алгоритми ишлаб чиқилган;

сектор чегарасида сув-нефть контактидан икки метр юқоридан ўтказилган тўртта горизонтал қудуқдан ва марказида вертикал ҳайдаш қудуғи бўлган уюмни ишлаш схемасининг энг катта технологик самарадорлиги асосланган;

кўп қатламли объектларда нефтни газ билан сиқиб чиқариш кўламини қатламларни тўлиқ қалинлиги бўйича қайишқоқ эгилувчан системаларни ҳайдаш йўли билан тартибга солиш технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги конларни ишлатишда амалда олинган кўрсаткичларни геологик ва гидродинамик моделлаштириш асосида олинган башоратланган кўрсаткичларига мос келиши ҳамда олинган боғлиқликларнинг юқори корреляцион коэффициентлари билан тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти газ ости нефть ҳошияларини ишлатишдаги вазифаларни тизимли умумлаштириш ва оптимизациялашни методологик асосларини яратишдан, захираларини олиш мураккаб бўлган юпқа қалинликдаги, остки сувли газ нефть ҳошияли конларнинг сўнгги босқичларида разведка қилиш ва ишлатишни технологик стратегиясини ишлаб чиқиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти самарали қудуқ тўри зичлигини ва уларни жойлаштирилишини, сув-нефть ва газ-нефть контактларига нисбатан қатламни очиш оралиғини ва катталигини, нефть ва газ олиш суръатларини асослашдан иборат бўлиб, яқуний натижада нефтьга тўйинган қалинлиги кичик газ ости нефть уюмларини ишлатиш самарадорлигини ошириш хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бухоро-Хива регионидаги нефтьгазконденсат конларини сўнгги даврларида разведка қилиш ва ишлатиш методологик асосларини яратиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

маҳсулдор қатламга хайдалаётган сувнинг ҳажмини ошириш ва консервациядаги қудуқларни қайта ишга тушириш бўйича технологиялар “Шўртаннефтьгаз” МЧЖнинг Шарқий Тошли конида жорий қилинган (“Ўзбекнефтьгаз” АЖнинг 2019 йил 15 майдаги 02/12-2-99-сон маълумотномаси). Натижада 2002-2015 йиллар мобайнида 16,4 минг тонна қўшимча нефть қазиб олиш имконини берган;

эксплуатацион қудуқларни қазिश, тугатилган ва консервацияланган қудуқларни қайта тиклаш ҳамда нефть олишни оптимал технологик режими схемалари “Муборакнефтьгаз” АЖга қарашли Шарқий Испанли, Матонат, Расулқудуқ, Фарбий Сабо, Қуюмозор, Арниёз конларида жорий қилинган

(“Ўзбекнефтгаз” АЖнинг 2019 йил 15 майдаги 02/12-2-99-сон маълумотномаси). Натижада Қуюмозор конида 326 т, Матонат – 9130 т ва Арниёз конида 7960 т қўшимча нефть қазиб олиш имкони яратилган;

газ ва газконденсат олиш режимининг оптимал технологик схемаси “Ҳиссорнефтгаз” ҚКга қарашли Таваккал газконденсат конида жорий қилинган (“Ўзбекнефтгаз” АЖнинг 2019 йил 15 майдаги 02/12-2-99-сон маълумотномаси). Натижада 385,6 млн. м³ газ ва 8937 т конденсат қазиб олишни ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотларнинг асосий натижалари 4 та халқаро ва 5 та Республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра 35 та илмий ишлар нашр қилинган, жумладан 10 таси диссертациянинг асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий журналларда ва 2 таси чет эл журналларида эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати, мақсад ва вазифаси асосланади, тадқиқот объекти таснифи, Республика фан ва технологияларни ривжланишининг устувор йўналишларига мослиги белгиланади, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари келтирилади, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилади, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи бобида **“Ўзбекистондаги конларни ишлаш тизимлари ва нефть қазиб олиш коэффициенти”** геологик-физик ётиш шароити, маҳсулдорлик тавсифи, нефть ва газга тўйинган ҳажмлар, углеводород захираси ўлчами ва бошқа кўрсаткичлари билан кескин фарқ қилувчи Бухоро-Хива регионидаги массив турдаги газ ости нефть уюмларининг геологик тузилиши хусусиятлари келтирилган.

Бухоро-Хива регионида нефть ва нефгазконденсат конларининг геологик-физик шароити, нефть ва газ (конденсат) олиш кетма-кетлиги, қатламга таъсир этиш усулларига қараб, турли ишлатиш тизимлари амалга оширилган, жумладан, сув бостириш билан қатлам босимини ушлаб туриш тизими; бир вақтнинг ўзида сув бостириш билан қазиб олинadиган газни қатламга қайта хайдаш тизими; бир вақтнинг ўзида уюмнинг газ қисмидан газ ва нефть қисмидан нефть олиш билан ишлатиш режимидаги тизим; газ дўпписидаги газни консервациялаган ҳолда биринчи навбатда нефть олиш тизими.

Конларда амалга оширилган ишлатиш тизимларида, қазиб олинadиган бошланғич ва қолдиқ захира, нефть қазиб олиш коэффициенти С.Н.Назаров-

В.Н.Сипачев, Г.С.Камбаров ва А.А.Копитовларнинг синовдан ўтказилган усуллари (1-3-расм) билан аниқланган.

Ҳисоблар натижасига кўра, қудуқлар тўри зич бўлган Кўкдумалок, Шимолий Ўртабулоқ ва Крук конларида сув бостириш билан қатлам босимини ушлаб туриш технологияси ёрдамида нефть қазиб олиш коэффициентини 49%дан ортиқ бўлишига эришилган.

Ўзбекистондаги нефтьгазконденсат конларини ишлатиш кўрсаткичларини таҳлили натижасида, қуйида келтирилган геологик ва технологик кўрсаткичларни нефть қазиб олиш коэффициентига тизимли таъсир кўрсатиши аниқланган:

$$\eta = f(k; m; h_{\text{эф}}; S_H; k_p; S; q_3^x; \mu_H; \mu_G; \mu_B), \quad (1)$$

бу ерда k – қатлам ўтказувчанлиги;

$h_{\text{эф}}$ – самарали қатлам қалинлиги;

S_H – нефтьга тўйинганлик;

k_p – табақаланиш коэффициенти;

S – қудуқлар тўри зичлиги;

q_3^x – сув бостириш коэффициенти;

μ_H – нефть қовушқоқлиги;

μ_G – газ қовушқоқлиги;

μ_B – сув қовушқоқлиги.

Объектларни ўзлаштириш тажрибасининг кон-геологик тавсифлари билан умумлаштириш асосида статистик боғлиқликлар аниқланган ва асосий ишлатиш босқичлари бўйича башоратлаш кетма-кетлиги таклиф қилинган.

Бошқариш объектларини асосий ишлатиш босқичида нефть қазиб олишни Q_2 ва Q_3 мақсадли функциялари қуйидаги регрессион боғлиқликлар бўйича аниқланади:

$$Q_2 = 0,4684 + 0,002h_H - 0,2873K / \mu - 0,0832K_{\text{песч.}} - 0,3766Q_1 - 0,0087\alpha_1 + 0,0064t_1 \quad (2)$$

корреляция коэффициенти – 0,8418;


$$Q_3 = 0,68 - 0,0014h_H + 0,0836K / \mu + 0,0818K_{\text{песч.}} - 1,1307Q_1 - 0,6431Q_2 - 0,0005\alpha_2 \quad (3)$$

корреляция коэффициенти – 0,8899.


Бунда II ва III босқичлар учун нефть қазиб олиш ўрнига II босқич сўнгида жамғарма олинган нефть ўлчами қўйилса, тенглама қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$Q_3 = 0,6563 - 0,0015h_H - 0,0977K / \mu + 0,0899K_{\text{песч.}} - 0,6370\sum Q_2 - 0,0025\alpha_2 \quad (4)$$

корреляция коэффициенти – 0,8865.



1-расм. Шимолий Ўртабулоқ конининг ишлатиш кўрсаткичлари (Назаров С.Н-Сипачев В.Н. усули)




2-расм. Шимолий Ўртабулоқ конининг ишлатиш кўрсаткичлари (Камбаров Г.С ва б. усули)

Иккинчи ва учинчи босқичлар давомийлигининг мақсадли функциялари қуйидгича:

$$t_2 = 43,2627 - 0,0823h_H - 11,5899K / \mu - 20,4428K_{nec.} + 107,0522Q_1 - 0,5276\alpha_1 - 2,9019t_1 - 6,0988Q_1 / t_1 \quad (5)$$

корреляция коэффиценти – 0,8651:



3-расм. Шимолий Ўртабулоқ конининг ишлатиш кўрсаткичлари (Копитов А.В. усули)

$$t_3 = 17,6605 + 0,0406h_H - 1,1831K / \mu + 3,0586K_{\text{несч.}} - 18,9440 \sum Q_2 - 0,3899Q_2 / t_2 - 0,0264\alpha_2 \quad (6)$$

корреляция коэффициентини – 0,8836.

Қудуқ махсулотини сувланганлигининг мақсадли функциялари қуйидаги кўринишга эга:

$$a_2 = -0,3194 + 0,17831h_H - 29,45K / \mu - 6,6734K_{\text{несч.}} + 67,1984Q_1 + 74,7806Q_2 + 0,6876\alpha_1 - 1,2908t_2 \quad (7)$$

корреляция коэффициентини – 0,8869.

$$a_2 = 9,7053 - 0,17561h_H - 32,2244K / \mu - 14,1076K_{\text{несч.}} + 54,9363 \sum Q_2 + 1,5894Q_2 / t_2 - 0,8873Q_1 / t_1 \quad (8)$$

корреляция коэффициентини – 0,8827.

Геологик захираларни қазиб олиш даражасини η_2 ва η_3 мақсадли функциялари қуйидаги ифода орқали аниқланади:

$$\eta_2 = -0,721 + 0,009h_H + 0,297m + 0,114K + 0,764S_H - 0,0498Kh / \mu - 0,0293K / \mu + 0,144K_{\text{несч.}} + 0,003K_p - 0,0055\mu + 0,0019t_1 - 5,37 * 10^{-7} Q_{\text{бал}} \quad (9)$$

корреляция коэффициентини – 0,886;

$$\eta_3 = -0,604 + 0,00033h_H + 0,29m + 0,247K + 0,884S_H - 0,024Kh / \mu - 0,008K_{\text{несч.}} + 0,0054K_p + 0,00125\mu - 0,021t_2 + 1,92 * 10^{-8} Q_{\text{бал}} \quad (10)$$

корреляция коэффициентини – 0,886.

Олинган нисбатлар (2 – 10) ишлатиш объектлари ўзлаштириш кўрсаткичларини башоратлаш, захираларни қазиб олиш даражасини ошириш тавсиялари ҳамда ноанъанавий технологиялар ишлаб чиқиш учун қўлланилиши мумкин.

Диссертациянинг иккинчи бобида **“Қатлам энергиясининг пасайиши режимида нефтгазконденсат конларини ишлатиш тизимлари”** қатлам босимини пасайиш режимида газ ости нефть объектларини ишлатишда қуйидаги масалаларни ҳал этиш зарурати туғилади: нефть ва газ захираларини қазиб олиш кетма-кетлигини, қудуқлар тўрининг оптимал зичлигини, оптимал перфорация оралиғи ўлчамини ва жойлашувини танлаш, қудуқ депрессияси ва дебитини асослаш.

Маҳсулдор қатламларда нефтни мураккаб ётиши билан ифодаланадиган нефтгазконденсат конларида бир вақтнинг ўзида газ қисмидан газ ва нефть қисмидан нефть олиш билан сўниш режими ва газни консервация қилиб нефть қисмдан биринчи навбатда нефть олиш тизимлари амалга оширилган.

Бухоро-Хива регионида қатламларни сўниш режимида нефтгазконденсат конларида амалга оширилган ишлатиш тизимларининг натижалари ва самарасини баҳолаш учун ҳам С.Н.Назаров-В.Н.Сипачев, Г.С.Камбаров и А.А.Копитовларнинг усуллари қўлланилган.

Ҳисоблар натижасига кўра, нефтга тўйинган самарали қалинлиги 10 м дан кичик ва қудуқлар тўри 20 дан 100 га/қудуқ оралиғида бўлган газ ости нефть уюмларида нефть қазиб олиш коэффиценти 10%дан кам бўлиши ўрнатилган. Бу объектларда асосий қазиб олинадиган қолдиқ нефть захиралар ҳажми мужассамлашган.

Қатламларни сўниш режимида нефтгазконденсат конларидаги ишлатиш тизимларининг асосий камчиликлари қуйидагилар ҳисобланади:

нефть қудуқларида газ дўпписидан қудуқ тубига газнинг сизиб чиқиши;

газ дўпписини ўзлаштириш учун қудуқларни газ берувчи қудуқлар тоифасига ўтказилиши;

қудуқ тубига қатлам ости сувларини сизиб чиқиши.

Қудуқларда жорий нефть олиш оралиғини юқорига кўтариш ва сув оқимини тўсиш технологиялари қатламларнинг кичик қалинлигида самарасиз бўлиши кўрсатилди. Бунинг натижасида бурғиланган қудуқларнинг 35 дан 50% гача бўлган қисми ўзлаштиришга жалб қилинганлиги аниқланди.

Газ қатламидан газ ва қатламоности сувларини қудуқ тубига сизиб чиқиши натижасида қудуқларни ўзлаштириш ва ишлатиш мураккаблиги сабабли, газ ости уюмларини, нефть захираларини қазиб олиш шароити бўйича мураккаб тоифага киритиш таклиф этилди. Бундай объектларни ишлатишда вертикал қудуқларни бурғилаш ва анъанавий технологияларни қўллаш юқори техник-иқтисодий кўрсаткичларни таъминламаслиги аниқланди. Шунинг учун кичик қалинликдаги газ ости нефть уюмларини ишлатиш самарадорлигини оширишнинг стратегик йўналиши бу янги технологияларни қўллаш эканлиги асосланди.

Диссертациянинг учинчи бобида “Суюқ углеводородларни қазиб олиш кўрсаткичларини оптималлаштириш бўйича технологик ечимларни ривожлантириш” ягона тизимга бирлаштирилган, ҳар хил ўтказувчанликка эга бўлган, учта чизикли моделдан иборат қурилмада тўйинганлик фазаларини нефть қазиб олиш коэффициентига таъсирини аниқлаш бўйича тажриба тадқиқотларининг натижалари келтирилган (4-расм). Бунда ўрганилаётган учта моделда қатламни ювиш коэффициенти билан нефть қазиб олиш коэффициентларининг ҳар хил нисбатлари олинган (5, 6-расм).

Биринчи тажриба натижалари ўзгарувчан ғовакли уюмларда, кам ўтказувчанли қатламларда, айрим ғовак-бўшлиқ ҳажмларини ишлатишга жалб қилинмай қолишини, нефтни юқори даражада сиқиб чиқариш таъминламаслигини ва катта ҳажмда нефть захиралари қолишини кўрсатди (5-расм).

Иккинчи тажриба натижалари нефтга тўйинган қатламнинг очилган қалинлиги бўйича нефтни сиқиб чиқариш жараёнини юқори қовушқоқ тизимларни ҳайдаш билан бошқариш имкониятлари борлигини кўрсатди.

Бунда сиқиб чиқариш жараёнини бошланишидан аввал қатламга 15%ли полиакриламид эритмаси ҳайдалди ва унинг натижасида юқори ғовакли моделни ғоваклигини пасайиши аниқланди, бу эса ювиш коэффициенти 4 дан 6 гача оширилганда, нефть бера олишлик коэффициентини 0,65 бўлишига эришилди. Шу билан бирга, эритмани юқори ғовакли қатламга сизиб бориши ҳисобига ювиш коэффициенти камайиши ва нефть қазиб олиш суръатини ошиши кузатилди (6-расм).


Бу тадқиқотлар натижалари қатламни қамраб олиш коэффициентини ошириш имкониятларини кўрсатди.

Газ ости нефть уюмларини ишлатиш назарияси ва амалиётини ривожлантириш мақсадида кўп вариантли гидродинамик ҳисоблар бажарилди ва нефть қазиб олишни ошириш имкониятлари борлиги кўрсатилди. Натижада Жанубий Кемачи, Умид, Арниёз конларида кичик қалинликдаги ва қатламности сувли газ ости нефть уюмларини ўзлаштиришда вертикал ҳамда горизонтал қудуқларда маҳсулдор қатламларни ўрта ва қуйи қисмини очиш мақсадга мувофиқлиги кўрсатилди. Бунда нефть уюмининг сув-нефть контактига яқин пастги оралиғида горизонтал қудуқларни қазитиш ва ўзлаштириш катта самара бериши аниқланди.

Горизонтал қудуқларда қатламга депрессиянинг оширилиши, унинг маҳсулоти сувланганлигини ошишига қарамай нефть қазиб олишга салбий таъсир этмаслиги кўрсатилди. Бунинг натижасида қатлам сув-нефть контакти атрофида очилган горизонтал қудуқлар билан ўзлаштиришда жадаллашган тарзда суюқлик олиш режимини амалга ошириш мумкинлиги тавсия этилди.


Бунда қатламдан нефть билан сувни биргаликда қазиб олиш нефть уюмини газ қисмига силжиш жараёнини камайтиради.

Уюмни энергетик потенциалини сақлаш учун нефть билан бирга қазиб олинадиган сув қатламнинг сувли қисмига қазилган маҳсус қудуқлар орқали қайта ҳайдалиши керак.




4-расм. Чизикли моделларда фильтрация ўлчамларини тадқиқоти бўйича лаборатория стенди

1-стеллаж; 2-компрессор; 3-майдонча; 4, 5, 6, 7-чизикли моделлар; 8а, 8б-манометрлар; 9-сепаратор; 10-газ ҳисоблагич; 11-ҳажмий идишлар; 12-сагх ўлчагич; 13-14-ўлчов идишлар; 15-23-вентиллар



5-расм. ҚТМ қўлмаган ҳолда газ билан нефтни сиқиб чиқариш



6-расм. ҚТМ қўлаган ҳолда газ билан нефтни сиқиб чиқариш

Кўп вариантли тадқиқотлар, сув-нефть контактидан 2 м юқоридан ўтказилган 4 та горизонтал нефть олиш қудуқлари ва газ-нефть контактидан 20 м юқорида очилган вертикал қудуқли ишлатиш схемаси энг юқори самара бериши кўрсатилди.

Бунда нисбатан кўпроқ самара қатламга бериладиган депрессия 0,5 МПа тенг бўлганда таъминланади.

Диссертациянинг тўртинчи бобида **“Геологик ва технологик**

кўраткичларни нефть уюмларини ишлатиш самарасига таъсирини баҳолаш усулларини ривожлантириш” кон-геологик омилларини маълумотдорлик даражасини баҳолаш ва таҳлили бажарилган.

Кон-геологик омилларни маълумотдорлик даражасини баҳолаш Кульбок ўлчовини қўллаш билан қуйидаги формула орқали амалга оширилган:

$$I(X_j) = D_k(x_j) \frac{1}{2} \left[P\left(\frac{x_j}{A}\right) P\left(\frac{x_j}{B}\right) \right] \quad (11)$$

бу ерда $D_k(x_j)$ – j -омилнинг башоратлаш коэффициенти;

$P\left(\frac{x_j}{A}\right)$ – j -омилнинг i -диапазонини А гуруҳга тушиш эҳтимоллиги;

$P\left(\frac{x_j}{B}\right)$ – j -омилнинг i -диапазонини В гуруҳга тушиш эҳтимоллиги.

x_j белгининг маълумотдорлиги унинг диапазонлар маълумотдорлиги йиғиндисига тенг. Кульбок ўлчамларини қўллаган ҳолда маълумотдорликнинг ҳисоблаш натижалари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Кон-геологик омиллар маълумотдорлигини ҳисоблаш натижалари

№	Кон-геологик омиллар	Даврлар бўйича маълумотдорлик кўрсаткичи				
		I	II	III	IV	ўртача даврлар бўйича
1	Ишлатиш даврининг давомийлиги	0,052	0,851	2,836	0,93	0,65
2	Бир даврда ўртача суюқлик олиш суръати	0,970	0,418	2,300	0,015	1,10
3	Бир даврда ўртача нефть олиш суръати	0,623	0,384	2,162	0,784	3,491
4	Говаклилик коэффициенти	0,441	0,574	0,363	0,235	0,221
5	Нефтга тўйинганлик коэффициенти	0,737	0,970	0,941	0,212	0,643
6	Ўтказувчанлик коэффициенти	0,810	0,523	0,161	0,343	0,362
7	Бошланғич қатлам босими	0,177	0,081	0,301	0,123	0,046
8	Қатлам нефтининг қовушқоклиги	0,234	0,192	2,321	0,082	0,193
9	Қатламнинг самарали нефтьга тўйинган ва умумий қалинлиги нисбати	0,623	0,326	0,407	0,506	0,136
10	Кудуқлар тўри зичлиги	0,288	0,998	1,746	0,727	1,486

Энг катта маълумотдор кон-геологик омиллари – бу ўртача нефть олиш суръати, кудуқлар тўри зичлиги, ўртача суюқлик олиш суръати ва ишлатиш

даврининг давомийлиги эканлиги аниқланди.

Бунда нефть бера олишлик коэффициентига уларни ишлатиш даврлари бўйича таъсири бир хил бўлмай, сўнгги босқичларда кескин ортиши кўрсатилди. Қолган кон-геологик омилларни маълумотдорлик даражаси нисбатан кичиклиги ўрнатилди.

Кон-геологик омилларни маълумотдорлигини баҳолаш натижалари асосида бошланғич маълумотлар етишмаган шароитларда нефть уюмларини лойиҳалашда қуйидаги кўрсаткичларни таъминловчи ишлатиш тизимларини танлаш тавсия этилди:

асосий ишлатиш даври бўлган II ва III босқичларнинг давомийлиги;
сўнгги ишлатиш босқичларида юқори суюқлик олиш суръатини сақлаб туриш;

маҳсулот таркибида сувни камайтириш борасида геологик-техник тадбирлар ўтказиш ҳисобига яқунловчи ишлатиш босқичида нисбатан юқори нефть олиш суръатини сақлаш;

сўнгги ишлатиш босқичида қатлам энергияси ва қудуқлар тўри зичлигини оқилона сақлаш ёки ошириш.

Диссертациянинг бешинчи бобида **“Нефтьгазконденсат конларини сўнгги босқичларида ишлатиш ва технологик лойиҳалаштириш принципларини такомиллаштириш”** нефть хошияли уюмларни ишлатишнинг лойиҳалаштириш усуллари ва ёндашуви умумлаштирилган.

Бухоро-Хива регионидаги нефтьгазконденсат конларининг геологик-физик шароитлари ва жорий қилинган ишлатиш тизимлари учун нефть қазиб олиш коэффициентини ҳисоблаш асосида турли ҳисоблаш усуллариининг етарлича яқин натижа бериши аниқланган. Ҳисоблаш натижаларига кўра юқори нефть бера олишлик коэффициентига эришиш учун нефть олиш жараёни билан қамраб олинмаган зоналарда янги қудуқларни бурғулаш ва сиқиб чиқариш коэффициентини ошириш лозимлиги кўрсатилган.

